



АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ



МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

Аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади. Улар бежиз ёшариш ва янгиликларни фасли — баҳорга қиёсланмайди. Мамлакатимизда лобар, иродали, ишбилармон, истеъдодли хотин-қизлар доимо эътироф этилиб, эъзозланади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар она-хонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Шуқуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган бугунги тантанамизда иштирок этаётган сиз, нафосат олами вакиллари, бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклиман. Барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Авалло, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, аёл қадрини эъзозлаб яшайдиган эл-юртимиз бахтига соғ-омон бўлишингизни, доимо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганинг улуғ неъматини, тенгсиз мўъжизасини, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз заминидagi "Бибихоним", "Қизибий", "Модарихон", "Қирққиз" мажмуаси каби табаррук мезморий обидалар

ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради.

Айни пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улугвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқларвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланади.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга

ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 мингга аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим рақамга эътибор беринг: Фақатгина 2021 йилнинг ўзига хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлдилар.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда эҳтижманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олий-гоҳларга давлат гранти асосида қабул қилиниди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Аёллар таълимга алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли ўтган йили олий ўқув юрталарига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Агар бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар қизларимиз таҳсил олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улushi 2016 йилдаги 38 фоиздан айни пайтга келиб қарийб 50 фоизга етди.

Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларимизнинг амалий ифодаси, десам, уйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласизлар. Ҳар қандай халқнинг етуқлик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимшли оналар миллиятнинг буюк келажagini яратилари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис донишмандлар:

"Битта қиз болани ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз", деб бежиз таъкидламаганлар.

Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-хунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошла-

ган ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Бу борада, аввало, 2022-2026 йилларга мўлжалланган **Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури**ни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатта фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади.

Ушбу ишларимизнинг мантқиқий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлари билан юртимиз раванқига катта ҳисса қўшиб келаётган олимпиада аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш — бу игна билан қудуқ қазига баробар.

Давоми 2-бетда

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ЭКСПОРТНИ КўПАЙТИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИ ТўЛДИРИШ ВАЗИФАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 март куни видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида ҳукумат томонидан кўрилатган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг январь-февраль ойларида 687 миллион доллар хорижий инвестиция, шу жумладан, 615 миллион доллар тўғридан-тўғри сармоя ўзлаштирилган. Йил бошидан 506 та лойиҳа доирасида умумий қиймати 337 миллион доллар бўлган қувватлар ишга туширилиб, 7 мингга янги иш ўрни яратилган.

Ўтган икки ойда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 1,7 миллиард доллардан ортиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиз ошган. Хусусан, мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари экспорти қарийб 2 баравар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баравар, тўқимачилик ва озиқ-овқат

маҳсулотлари экспорти 1,3 баравар ўсган.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, товарларни экспортга етказишда логистика масалаларини тезкор ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ички истеъмол бозорига давлат барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиди.

Жорий йилнинг икки ойида инфляция даражаси 1,38 фоизни ташкил этгани, бу 2021 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан (1,7 фоиз) пастлиги қайд этилди.

Айни пайтда глобал бозорлардаги нархларнинг кескин тебранишини

ҳисобга олиб, мутасадди идоралар ва ҳудудлар раҳбарларига ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, энг аввало, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Президент томоққа ҳўжаликларини ривожлантириш ва уларда ички бозорда талаб юқори бўлган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун аҳолига қўшимча 80 минг гектар ер майдонлари ажратилиш борасидаги ишларга танқидий баҳо берди.

Шунингдек, мева-сабзавотчилик учун ажратилган 2 триллион сўм давлат маблағларининг натижадорлигини ошириш, уларни ўзлаштиришни тезлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Ҳудудлар раҳбарларига озиқ-овқат бозорига маҳсулотларни узлуксиз етказиш, бунинг учун зарур захираларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ ЛОЙИҲАСИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тақдими билан танишди.

Маълумки, 2025 йилда Тошкент шаҳрида Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари ўтказилади. Унга қўшимчадан кўлаб спортчи ва мураббийлар, мухлислар, журналистлар келади. Бу нуфузли мусобақани юқори савияда ўтказиш мақсадида пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Унинг лойиҳаси Англиянинг "Алур" муҳандислик компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Лойиҳага кўра, шаҳарча марказида олимпия стадиони, унинг икки ёнида ёпиқ спорт мажмуалари, сув спорти саройи, машғулот майдончалари, эшак эшиш ҳавзаси барпо этилади. Барча шароитлар Осиё Олимпия кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ бўлади. Маъмурий бино, ётоқхона, музей ва ҳўжалик объектлари ҳам қурилади.

Мусобақалардан ташқари вақтда шаҳарча ўқув-машғулот базаси бўлиб хизмат қилади. Бу ерда Олий спорт маҳорати институти, спорт федерациялари ва соҳадаги бошқа муассасалар фаолият олиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат: шаҳарча жойлашадиган Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб дарахтлар экилиб, сайилгоҳ ташкил этилади. У ер аҳоли учун очиқ бўлиб, сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг қиймати, спортчи ва томошабинлар учун яратиладиган қулайликларни синчилаб сўради. Мутасаддиларга ишлар ҳажми ва зарур маблағ миқдорини йилма-йил ҳисоб-китоб қилиб, аниқ режа шакллантириш, қурилиш бўйича тендер эълон қилиш юзасидан кўрсатмалар берди.

ЎЗА

АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Мен ўзим шу соҳадан чиққан учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий-тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман.

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиши ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқитган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камиди 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида "Олима аёллар жамияти" тузилди. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ақл-заковат нуруни ҳаётимизнинг ҳар бир жаҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланади.

Захматқаш олималарнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шaroит яратиш мақсадида "Олима аёллар жамияти"га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Умуман олганда, юқорида айтилган барча мақсадларга жорий ва келгуси йил учун 1,8 триллион сўм йўналтирилади.

Хурматли йигилиш қатнашчилари! Хабарингиз бор, яқинда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада олдимизда турган энг муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилиб олдик. Шу асосда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Шу тариқа опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шугулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта қўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёмжанд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида "Бизнесчи аёллар" дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингга қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг қўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган "Оқила аёллар" ҳаракати сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун "Аёллар кенгашлари" тузилмоқда.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.

Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй моларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг албатта қадрига етадилар. Аёл қадрли, инсон қадрли улугланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва баракат албатта барқарор бўлади.

Хурматли байрам тадбири қатнашчилари! Ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислохотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Биз республикаимиз бошқарув тизимида, парламент ва маҳаллий кенгашларда, турли соҳаларда билимдон ва фидойи опа-сингилларимизнинг улушини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сизлар каби минг-минглаб жонқуяр аёллар, фаол қизларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чукор миннатдорлик ихзор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бугунги файзли давраимизда иштирок этаётган дипломат хонимларни — хорижий давлатларнинг хурматли элчилари ва халқроқ ташкилотлар вакилларини ҳам чин дилдан самимий қўллаб-қувватлайман. Сизларга ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларимиз

ривожига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур ихзор этаман.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Марказий Осиё масалалари бўйича махсус вакили Наталия Герман хоним олияларини бугунги байрамда иштирок этаётганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Бугунги байрам билан ушбу меҳмонимизни ҳам самимий табриқлаб, минтақамизда яқин кўшничлик ва кўпқиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

Шу боис, мен сизларга мурожаат этиб айтмоқчиман.

Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик. **Фарзандларимиз қалбига улуг мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш — барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.**

Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш албатта сизларга боғлиқ. Бу — ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойлиқдир.

Шу ўринда шижоатли ва дилбар қизларимизга ҳам кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Бугун биз эркин ва очик жамиятда яшамоқдамиз. Бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишимиз, замонавий илм ва касб-ҳунарларни эгаллаб, илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштиришимиз, айни вақтда миллий ўзлигимизга содиқ қолишимиз керак. Сизлар эл-юртимизнинг ана шундай юксак умиди ва ишончига муносиб бўласизлар, деб ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиб келаётган истеъодли қизлари-

мизни ҳар йили мана шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган.

Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилиб, совриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларимни кўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан қизларимни чин юракдан табриқлаб, намунали фаолиятингиз ва етказилик фазилатларингиз билан тендошларингизга ўрнак бўласизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, ушбу файзли лаҳзаларда кўп йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, фидойи меҳнати билан ўз соҳасида катта ютуқ ва натижаларга эришаётган бир гуруҳ аёлларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз ўз ғайрат-шижоатингиз, тафаккур ва тажрибангиз билан Янги Ўзбекистонимиз равнақи ва она халқимиз фаровонлиги учун беқиёс хизмат қилмоқдасиз.

Эл-юрт эътибори ва чексиз меҳрини қозонган ҳар қандай киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақлидир.

Шу маънода, давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.

Бугунги қувончли айёмда сизларга, азиз опа-сингилларимиз ва мунис қизларимиз ана шу мукофотларни топшириш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Мухтарам опа-сингиллар!

Сууюкли қизларим! Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриқлайман.

Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик — оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узок, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин! Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

Бошланиши 1-бетда

Халқаро конгресс марказида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аёлларни самимий табриқлаб, уларга юксак эҳтиромини билдирди.

— Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганининг улуг неъматини, тенгсиз мўъжизасини, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва гамжўрлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда халқни рози қилиш мақсади йўлида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ўқиши, ишлаши, саломатлиги, оиласи учун шароитлар яхшиланмоқда.

Бу мақсадлар Тараққиёт стратегиясининг ҳам муҳим йўналишларидан бири. Шунга мувофиқ, 1 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар белгиланди. Бу вазифаларни тизимли ва самарали амалга ошириш мақсадида

Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди. Бу орқали, опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шугулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинади.

Президентимиз ташаббуси билан жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган "Оқила аёллар" ҳаракати ташкил топмоқда. Шунингдек, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун "Аёллар кенгашлари" тузилмоқда.

Тадбиркор хотин-қизларни янада кўпайтириш мақсадида "Бизнесчи аёллар" дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож



аёлларни 12 мингга қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг қўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

— Хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз хотин-қизларга мурожаат қилиб, уларни буюк ишларга руҳлантирди:

— Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун, янги тарихий даврга қадам

қўйдик. Фарзандларимиз қалбига улуг мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш — барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир. Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, албатта, сизларга боғлиқ. Бу — ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги фармонида мувофиқ бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, ордон ва медаллар билан, Президент қарорига биноан эса илгирма саккиз нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Байрам тадбирида ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва

нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриқлайман. Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик — оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман. Қалбингиз доим бугунги баҳордек яшнаб турсин, — деди Президент.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган хотин-қизлар, турли вазирлик ва идоралар ходимлари файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлади. Тадбирда чет эллик дипломат аёллар, халқроқ ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди.

Байрам тантанали концерт дастури билан давом этди.

ТАРАҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

КАМАЛАКДЕК СЕРЖИЛО,
ҲАР ҚАТИДА МИНГ БИР СИНОАТ

Расулжон КАМОЛОВ,
Абдурауф ҚОРЖОВОВ
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Марғилонда ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири, атоқли шоира Жаҳон отин Увайсийнинг уй музейига қирар экансиз, кўзингиз биринчи бўлиб тут дарахтига тушади. Увайсийнинг боболари экиб кетган, ҳовлининг ўртасида чайир, буриш қўлларини ҳамон кўкка чўзиб турган бу тут қўллаб тарихий воқеаларнинг шохиди бўлган. Наврўз айёмлари, шоира ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тадбирлар ҳали-ҳануз шу ерда ўтказиб келинади.

Маълумотларга қараганда, тут ўртача 300, айримлари 500 йилгача яшайди. Лекин Ришондаги 700 йиллик тут бундан-да узоқ умр кўриш мумкинлигини далолат беради. Барглари ипак қурти учун озуқа бўлгани боис, ҳар доим қимматли дарахтлар қаторига киритилган. Қадимдан тут дарахтидан мусика чолғу асбоблари, ёзув қоғози тайёрланган. Меваси дармон дори, пўстлоғи ҳам турли хасталикларни даволашда ишлатилади. Очарчилик йилларида тут пишигига етиб олиш омонлик дея эътироф этилган. Оналар фарзандлари ўзидан кўпайсин дея, мевали дарахт — болани тутдан ясалган бешикларга белади...

Марғилон бай тарихи, бетакрор маданияти ва маърифати билан шуҳрат қозонган. Камалакдек сержило атласлари, ўзлгимиз рамзига айланган қалампирмунчоқ дўппилари етти иқлимга машҳур. Алқисса, буларнинг бари Буюк ипак йўли гуркираган даврларга бориб тақалади ва бугунги кунда ҳам ипакчилик, деганда ушбу кўхна кент дунё аҳли кўз ўнгига жонланади. Энг муҳими, инсоният тамаддунида муҳим ўрин тутган ипакчилик сириноти ва аъёнлари айни пайтда янада бойитилиб, юртимизнинг етакчи соҳаларидан бирига айланмоқда.

Янги тут плантациялари

Ипак қурти парваришда бирламчи бўлин — озуқа базаси катта аҳамиятга эга. Сир эмас, бир неча йиллар аввал тармоқ фаолияти учун муҳим бўлган тутзорлар эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб камайиб кетди. Президентимизнинг 2020 йил 17 январда имзоланган “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш, салмоғини оширишга тўртки берди, — дейди Фаргона вилояти “Агропилла” МЧЖ бош агрономи Фаррух Мухаммадалиев. — 2021 йилда 13 миллион тут тул кўчатлари экилди. Жорий йилда мавжуд тут плантацияларини реконструкция қилиш, янги тутзорлар яратиш ҳисобига 16 миллион тулга кўпаяди.

“Бешариқ ипаги” МЧЖ шаклидаги кластери тумандаги Шодақозик қишлоғида қаровсиз бўлган 100 гектар ерда тут плантациясини ташкил этишга киришди. Қўриқ ерни ўзлаштириш осон кечмайди. Ерни текислаштириш, унумсиз қум қатламни олиб ташлаш, маҳаллий ўғит солиш сингари зарурий ишларни бажариш талаб этилади. Шамол таъсирида юзага келадиган тулпроқ эрозиясининг олдини олиш ва кўчатларни сақлаб қолиш мақсадида ихота учун манзарали дарахтлар ҳам ўтказилди. Бешта тик қудуқ қазилиб 50 метр чуқурликдан чиққан сув чўлга ҳаёт бахш этмоқда. Тут қаламчалари экилган майдонларга кузги дон экилди. Келгусида қатор ораларида дуклаки, макка ёки сабзавотлар парваришланади.

— Шодақозик массивида пиллачилик кластерига берилган ерда 1 миллион тут тул кўчатлари етиштирилади, — дейди “Бешариқ агропилла” МЧЖ раҳбари Аҳмаджон Даминов. — Бу пиллачиликни янада ривожлантириш, кам деганда 200 та янги иш ўрни яратиш имконини беради. Умуман олганда, туманимиз бўйича 1200 гектар ҳайдалмайдиган, лекин ўзлаштириб, экин майдонларига айлантириш мумкин бўлган ерлар бор. Бу майдонларни қийматидаги маблағ тежаб қолинди. Жорий мавсумда бу борадаги амалий ишлар салмоғи янада юқори бўлмоқда. Яъни 50 минг қурти ипак қурти уруғи тайёрлаш орқали 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган импортга чек қўйилди.

Дарҳақиқат, бу ерда “Бешариқ ипаги” кластери томонидан замонавий пилла-хоналар қуриш борасида ҳам иш олиб борилаётган. Уларда стеллажлар ўрна-тилиб, ҳар қаторида 8-10 та қутидан ипак қурти уруғи парваришланади. Мақбул шароитлар, янги ва экологик жиҳатдан тоза озуқа ипак қуртининг нобуд бўлиши йўл қўймай, пиллакорларга яхши ҳосил ва даромад келтиради.

Жойларда экилган тут кўчатларини парваришлаш ва пилла етиштиришда янги чора-тадбирлар асосида иш олиб борилаётган. Айни кунда мавжуд тутзорлар 2700 нафардан ортиқ оилавий пудратчи ҳамда “Ешлар дафтари”га киритилган 1900 нафар ишсизларга 30 сотихдан 1 гектаргача бўлиб берилди. Улар ниҳолларни парваришлаш билан бирга, экин ораларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиб даромад олмақда.

— Пиллачилик сердаромад соҳа, меҳнат қилган одам барака топади, — дейди уста пиллакор Хайрулла Тешабоев. — Фаргона туман “Агропилла” масъулияти чекланган жамияти билан оилавий пудрат асосида иш олиб борамиз. Ўтган йили баҳорги мавсумда 3 қурти ипак қуртидан 280 килограмдан ошириб ҳосил олдик. Даромад миқдори 5 миллион сўмдан ошди. Кузги пилладан ҳам яхши хирмон кўтардик. Уйимизга яқин ҳудудда 2 гектар майдонда тутзоримиз бор. Кўчатлар ора-

“ МУТАХАССИСЛАР ФИКРИГА КўРА, ТУТ БАРГИ БАҲОРДА 20 КУНДА ҚОТСА, КУЗДА БУ ЖАРАЁН АТИГИ БИР ҲАФТАДА РўЙ БЕРАДИ. БУ ЭСА ПИЛЛАДАН УЧ МАРТА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ АМАЛЛАРИДА ҚўЛ КЕЛАДИ.

лигига рўзгоримиз учун керакли бўлган сабзавотлар экамиз. Шу ернинг ўзида ипак қурти парваришлаш ихтисослашган енгил типдаги кўчма қурхона қурмоқчимиз. Бу ортиқча харажатларни тежаш, маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашнинг мақбул ечими.

Янги тут плантацияларнинг ярати-лиши ва ипак қурти парваришлашни кўпайтириш, қайта ишлаш тармоғи-да амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли бандлигида муҳим омил бўлмоқда. 2017-2020 йилларда ипакчилик тармоғида 2 минг 433 нафар доимий, 58 871 нафар мавсумий ишчилар ишга

жалб этилган бўлса, ўтган йилнинг ўзи-да бу йўналишда 2 минг 935 та доимий ва 73 621 та мавсумий иш ўринлари яратилди.

Шу йилнинг ўзида пиллачилик йўналишида 3 та қорхона ташкил этилиб, улар сони 8 тага етди. Пиллачилик кластерлари томонидан янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда модернизация тадбирларини амалга ошириш ҳисобига 2,6 миллион долларлик инвестиция маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилган.

Уруғчилик истиқболлари

Соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотлар серҳосил, юқори сифатли маҳсулот берадиган янги ипак қурти зотларини яратиш, уларни маҳаллийлаштиришда қўл келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — импортни қисқартириш, пиллакорларга арзон ва сифатли ипак қурти уруғларини етказиб беришдан иборат. Ўтган йили маҳаллий шароитда 38 минг қурти ипак қурти уруғи тайёрланди. Натияжада шу кунга қадар четдан импорт қилинган хориж уруғини харид қилишга ҳожат қолмади ва 456 минг АҚШ доллари қийматидаги маблағ тежаб қолинди. Жорий мавсумда бу борадаги амалий ишлар салмоғи янада юқори бўлмоқда. Яъни 50 минг қурти ипак қурти уруғи тайёрлаш орқали 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган импортга чек қўйилди.

— Бу мавсумда “Тараққиёт-1”, “Тараққиёт-2” янги ипак қурти зотларини маҳаллийлаштириш борасида иш олиб бораёмиз, — дейди “Фаргона пилла наслчилиги” МЧЖ бош агрономи Камолитдин Сойипов. — Бу навлар Давлат нав синаш маркази тавсияси



етиштириш амалларида қўл келади.

— Биз йилга бир марта пилла етиштирамиз, — дейди фарғоналик пиллакорлар иш тажрибаси билан танишган “Тожиқ пилла” ташкилоти раҳбари Назиршо Назаров. — Эндиликда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиб пилла етиштиришни 2-3 мартага етказмоқчимиз. Ишни озуқа базасини ривожлантиришдан бошладик ва 50 минг тут тул кўчатлари сотиб олдик. Уларни парваришда қийинчилик бўлмайди. Чунки икки юртининг иқлим бир-бирига ўхшаш. Фаргона пиллачилик мактабида амалга оширилаётган ишларни Тожикистонда ҳам оммалаштирмоқчимиз. Айниқса, тут кўчатлари оралиғида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиб даромад олиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ипак қурти парвариши билан шугулланган оилалар бир йиллик меҳнат стажига эга бўлиш имкониятлари ўзимизда жорий қилишни мақсад қилаёмиз.

Хомашёдан тайёр маҳсулот

Пиллачилик сердаромад соҳага айланиб бормоқда. Ҳаётбахш ислохотлар самараси туфайли Учқўприк туманидаги Олис Меҳнатобод қишлоғида ҳам ипакни қайта ишлаш қорхонаси ишга тушди.

“Ushkorik ipagi” МЧЖ томонидан ташкил этилган янги қорхона эндиликда хомашё эмас, ўнлаб турдаги ипак матолар тайёрланапти. Бу ерда 25 нафар хотин-қиз табиат ранглирига ошурфта бўлган ипак гиламлар, атлас, адрас тўқимолари. “Уста-шоғирд” аъёнлари асосида ёшлар хунарга ўргатилмоқда.

— Жаҳон бозорида бир килограмм ипакнинг баҳоси 38-40 АҚШ долларига тенг. Калава шаклида 55 долларгача боради. Ундан мато тўқиб, кийим-кечак тикиб сотилса, даромад 3 баробар



лотлар экспорт қилиш ҳажми ортиб борапти.

— Ўтган куз мавсумида 3730 қурти ипак қурти интенсив технологиялар асосида парваришланиб, 149,2 тонна пилла териб олинди, — дейди вилоят “Агропилла” МЧЖ бош мутахассиси Мўминжон Абдужабборов. — Бу ишлар учун 3770 нафар пудратчи пиллакорлар билан шартнома тузилди. Етиштирилган ҳосилнинг бир килосига 25 минг сўмдан ҳақ тўланди. Бу уларнинг соҳага бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Такрорий пилла етиштирувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳам янги тизим яратилиб, терилган ҳосилга ҳисоб-китоб тарози бошида амалга оширилди.

Мутахассислар фикрига кўра, тут барги баҳорда 20 кунда қотса, кузда бу жараён атиги бир ҳафтада рўй беради. Бу эса пилладан уч марта ҳосил

“ ПИЛЛАЧИЛИК ҚОРХОНАЛАРИНИНГ ВИЛОЯТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИГА ҚўШГАН УЛУШИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА. МАСАЛАН, 2020 ЙИЛДА МАВЖУД 9 ТА ПИЛЛАЧИЛИК ҚОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 6 МИЛЛИОН 965 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН. ЖОРИЙ ЙИЛДА БУ БОРАДАГИ КўРСАТКИЧЛАР САЛМОҒИ 10 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИДАН ОШАДИ.

кўпаяди, — дейди вилоят “Агропилла” МЧЖ раиси Мақсуджон Қосимов. — Ваҳоланки, ипак калавасининг ҳар бир килограммидан 11 метргача мато тўқилади.

Шунингдек, гиламчиликни ривожлантириш ҳам кони фойда. Масалан, битта гилам тўқиш учун ўртача 10 килограмм ипак калаваси керак бўлади. Ипак ип учун 500-600 доллар атрофида маблағ сарфланади. Тайёр гиламнинг нархи 10 маротаба қиммат. Шу боис, ипак матолардан тайёрланадиган маҳсулотларга ташқи бозорда талаб катта. Айни кунларда Осиё, Европа, Араб мамлакатларида маҳсулотлар етказиб бериш борасида музокара олаб бораёмиз.

Аҳамиятли томони, пиллачилик қорхоналарининг вилоят экспорт салоҳиятига қўшган улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2020 йилда мавжуд 9 та пиллачилик қорхонаси томонидан 6 миллион 965 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинган. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар салмоғи 10 миллион АҚШ долларида ошди.

Марғилонча андозалар

Пилла она табиат томонидан инъом этилган мўъжиза. Бир қараганда оддий ишдек кўринган юмушлар кишидан сабр-бардош, маҳорат ва ҳалол меҳнатни талаб этади. Шу сабабли қўлигул чеварлар қалб кўри ва меҳри билан яратилган беназир ипак маҳсулотлари асрлар давомида дунёни ўзи-га мафтун этиб келмоқда.

Айниқса, ипак матолардан атлас, адрас, шойи тўқиш услуби, турфа ва табиий ранглари ўзида мужассам этган ноёб санъат дурдонасига қийсланади. Марғилонда беазаги ва тўқиш услубига кўра, бир-бирдан фарқ қилувчи ўнлаб турдаги ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Адрас ва хонатласнинг ўзига хос хусусияти гулли матога эмас, ўраш ипага туширилганлигида. “Абр” услубида ранг бериш, гул солишининг марғилонча андозаси шу жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради.

Кўхна шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида хунарамандчилик аъёнлари ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. “Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Абдуллоҳ Мирзааҳмедов ипак матолардан турфа маҳсулотлар яратиш келаётган тўқувчилар сулоласининг ўзинчи авлоди.

— Бу хунарга ёшлигимдан меҳр кўйганман, — дейди Абдуллоҳ. — Отабобларимизнинг хунари бўлсанг элда ҳурмат, иззат топсан, ризқинг бут бўлади, деган насиҳатларига амал қилиб кам бўлганим йўқ. Оиламиз аъзолари билан уста-хунарамандларнинг тўқиш усуллари унутилиб кетган, фақат музейларда сақланиб қолган миллий ипак мато ва турларини яратиш, ривожлантириш борасида иш олиб бораёмиз. Шу кунга қадар ўнлаб атлас ва адрас матолари, ноанъанавий тарзда нусха туширилган аъло баҳмалларни тикладик.

Айтишларича, тўқувчи табиат гўзаллигини ҳис қилсагина нафис ва беназир матоларни ярата олар экан. Шу боис, Марғилон хунарамандчилик мактабида тўқувчиларнинг гўзалликка ошурфта, ижодкор, тоза қалб, меҳр-муҳаббатли бўлишига зиёда эътибор қаратилади.

Хунарамандлар маркази чорлайди

Кейинги йилларида атлас, адрас ва ипак матолари ишлаб чиқариш, экспортга бўлган талаб ортиди, янги имкониятлар яратилди. Эндиликда бу ерда фақат хомашё эмас, балки тайёр ипак матолари ишлаб чиқариш кўлами ҳам кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан кўхна кентда иш бошлаган “Хунарамандлар маркази”да ипак матоларни тараш, абрбанд усулида гул солиш, мато тўқиш, тикиш, сотиш, экспортга йўналтириш билан боғлиқ жараёнлар амалга оширилмоқда.

Моҳир уста Иброҳимжон Султонов сазй-ҳаракати билан давлат шерикчилиги асосида ташкил этилган масканда оддий ипакдан сара маҳсулотлар тайёрлаш билан боғлиқ шароитлар яратилган.

— Бу ерда 200 турдан зиёд табиий ипақдан гилам, атлас, шойи, адраслар тайёрланади, — дейди Иброҳимжон Султонов. — Яна бир муҳим жиҳати, бу ерга келганлар ипак матолар тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш асосида ўзи танлаган матолардан либосларга буюртма қилишлари мумкин. Муҳими, жараённи ўз кўзи билан кўришга қизиқётган сайёҳлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Айни кунда вилоятнинг 13 та туманида “Хунарамандлар маркази” фаолият кўрсатиб келяпти. Бу ерда “Уста-шоғирд” аъёнаси асосида ипак матолар тўқишга хоҳиши бўлган, “Аёллар дафтари”да турган хотин-қизларга хуна ўргатилди. Шу кунга қадар 140 нафардан ортиқ усталар кўмағида 2 мингга яқин хотин-қизлар ва ёшларга касб сирларидан сабоқ берилди.

Хунарамандлар марказида маҳсулотлар сифати юқори. Асл ипакка табиий бўёқлардан гул чизиб, мато тўқилади. Маҳсулотлар Туркия, АҚШ, Италия, Франция, Россия, Қозғоғистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Марказ қошидаги ишлаб чиқариш цехида 800 нафардан ортиқ хотин-қизлар ишлайди. Унинг қуйи қаватида атлас, адрас, шойи, баҳамал, беқасам матолар тўқилмоқда. Биринчи қаватдан тайёр маҳсулотлар кўргазмаси, чевархона ўрин олган. Бу ердаги дўконда матога гул чизиб, боғлаш, давра, қад тайёрлаш жараёнлари кўргазмали тарзда намойиш этилади. Бинонинг юқори қаватида эса ипак гиламлари тайёрлаш цехи жойлашган. Марказ қошида янги Карвонсарой фаолиятини бошлаши режалаштирилмоқда. Бу бир вақтда яна 200 нафар ишсиз фуқарони иш билан таъминлаш, Марғилон шаҳрига туристлар ташрифининг кўпайишига хизмат қилади.



Кузги пилла ҳосили 80 тоннадан ортади

Юртимиз иқлим шароити мавсумда 3-4 марта ипак қурти парваришлаш имконини беради. Бу такрорий пиллачиликни ривожлантириш орқали “кумуш тола” етиштириш ҳажмини муттасил кўпайтиришга шароит яратилмоқда. Натияжада қайта ишлаш қорхоналари тўлиқ қувватда фаолият юритиб, хорижга хомашё эмас, тайёр маҳсу-

МУНОСАБАТ



Малакали кадрлар — мамлакатнинг эртаси, тараққиётини белгиловчи жуда катта куч. Бугун дунёнинг етакчи мамлакатлари билимли, салоҳиятли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор берапти. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар қандай давлат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар жараёнида жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларга эҳтиёж сезади.

ДИЛ ИЗҲОРИ

Насиба РЎЗИЕВА, Учқудуқ туманидаги 20-мактаб директори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвон соҳиб

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан давлат ҳамда жамият ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан юрт раънақи, оиланинг шаклланиши ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ хотин-қизларни мукофотлаш тўғрисидаги фармонни имзолади. Мукофотланганлар орасида менинг ҳам номим эътироф этилгани қалбимга чексиз миннатдорлик ва қувонч туйғусини олиб кирди. Фармонни мактабимиз жамоаси билан бирга ўқидик, негандир кун бўйи йиллаб юрдим. Бу, шубҳасиз, севинч кўзёши эди. Камтарона меҳнатим юксак даражада тақдирланганидан беҳад ҳаяжон ва ҳайратда эдим. Ҳаёлимдан болалик кезларим, орзуларим ўтди, ич-ичимдан тинмай шукрона келтирдим.



Президенти соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” тапловининг туман босқичида 1-уринни эгаллаб, 100 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Ҳозир мактабда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 33 та тўғарак фаолият юритмокда. Уларда ўқувчиларнинг иқтидори ва истеъдодини оширишга катта эътибор қаратиляпти.

Яна бир фахрланадиган жиҳат, ҳар йили ўқувчиларимизнинг салмоқли қисми нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга қиряпти. Бу бўйича мактабимиз энг юқори кўрсаткичга эга бўлгани учун вилоят ҳокимлигининг пул мукофоти билан тақдирланди. Жумладан, мактабнинг собиқ битирувчиси Нурбек Эршоев АҚШнинг 20 та олийгоҳига грант асосида қабул қилинди. 2020/2021 ўқув йилида мактаб битирувчиларининг ОТМга кириш қамрови 60 фоизни ташкил этди. 78 нафар битирувчидан 23 нафари давлат гранти, 24 нафари тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Масалан, битирувчи Нигина Суннатовна Япониянинг Токио шаҳридаги Шинжүку университети талабаси бўлди. Нигина грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Ҳар кун тондан мактаб остонасида туриб ўқитувчи ва ўқувчиларни кутиб олам. Одатим шундай. Уларнинг нигоҳига раҳм соламан. Бахтга тўла кўзлари, шўх-шодон кулгисидан кўнглим хотиржам тортади. Табиатан жуда болажонман. Эрталаб қон босимим 160-170 га чиқиб турса ҳам ишга бориб, болаларни кўрганам сайин қон босимим тушаверади. Ўқувчилар ўз синфхонасига кириб кетган, қон босимимни ўлчатаман. Ҳамшира ҳайрон бўлади. Ҳеч бир дори-дармонга эҳтиёж қолмайди. Имкони бўлиб қайтадан дунёга келсам ҳам барибир ўқитувчи бўлардим, дейман. Ҳозиргача ўқитувчи бўлганимдан афсусланмадим, аксинча, бугун яна бир бор фахрландим.

Президентимиз “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонини топширганда ҳаяжон ичра жуда фахрландим, бутун вужудимни миннатдорлик туйғуси эгаллади. Ёш авлод билан ўтган 32 йиллик умрим беҳуда ўтмаганига амин бўлдим, ташна қасбим машаққати бир зумда унутилди. Энг муҳими, мукофот бугун шу давлат ва жамиятнинг энг бахтли аёлларидан бири эканимни аниглади.

Тинч ва осуда юртимиз, мусоффо осмонимиз остида шириндан-шакар уч нафар набирам, қолаверса, 2 мингга яқин ўқувчи-фарзандларим, севган касбим, аҳил жамоам менга куч-гайрат беради. Юрагим оилам, юртим, севган касбим, жамият меҳру эътибори ва эътирофидан жўш урмоқда. Зеро, хотиржам ҳаёт инъом этилган, ҳуқуқлари қаролатилган, давлати ва жамияти қадрлаган юрда яшаётган аёл учун бундан ортик бахт бўлмас.

ИШЛАЙДИГАН ТАЛАБА ҲЕЧ КИМГА МУҲТОЖ БЎЛМАЙДИ



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазири

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар замирида ҳам айни шу мақсад муҳассам. Биргина 2021 йилда 25 та янги олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Бугун олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларни касбий ривожлантириш, уларнинг назарий билиминини амалиётда қўллаш имкониятини янада ошириш, таълим ва бошқа кундалик харажатларини қоплаш учун иш билан таъминлаш зарурати сезилмоқда.

Шу йил 4 март куни давлатимиз раҳбари раислигида олий ўқув юртли талабаларни бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида жамиятдаги, таълимдаги жуда долзарб масалаларга алоҳида урғу берилди. Жумладан, уларга сифатли таълим бериш, ҳаётини яхшилаш, энг муҳими, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Дунё амалиётида бор — талабаларнинг аксарияти ишлайди. Фақат ночор, қийналганлар эмас, ҳатто ўзига тўқ хонадоннинг фарзандлари ҳам таълим йўналиши доирасида ишлаб, тажриба орттиради. Йиғилишга тайёргарлик асосида талабаларнинг иш билан бандлик ҳолати ўрганилди. Жараёнда маълум бўлдики, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида 820 минг нафар талаба ўқимокда. Олий таълимнинг кундузги шаклида тахсил олаётган 510 минг талабанинг 87 мингдан ортми иш билан банд.

Урганиш фақат вертикал ўтказилмади. 50 мингга яқин талабадан қайси соҳада ишлашни хоҳлаши бўйича сўров ўтказилди. Жараёнда 100 мингга яқин талаба ишлашга эҳтиёжи борлигини билдирди. Айниқса, улар орасида чин етим ёки ногиронлиги бўлган 7,5 минг ҳамда турли “дафтарлар”га киритилган 4,5 минг талаба борлиги зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

Йиғилишда Президентимиз ота-оналар ўзининг олтин фондини, энг қадрли бойлигини, ўсмир ёшдаги, бағоятга етган фарзандини тахсил олсин, дея қўлимизга топшираётганини таъкидлади. Шунинг учун йигит-қизларга сифатли таълим олиш баробарида ишлаши учун ҳам қўлай шароит яратиш кун тартибидеги вазифамиз.

Қайд этилганидек, бугун талабалар ишлаши мумкин бўлган 105 мингга вақант иш ўрни мавжуд. Иш билан таъминлашда асосий эътибор олий таълим муассасаларининг ўзига қаратилди. Масалан, олий таълим муассасасининг ўзиде ахборот-ресурс марказлари, ахборот технологиялари маркази, лабортантик, ишчи лавозими бор. Олийгоҳлар атрофидаги шаҳар мактаблари ва боғчаларида 13 минг вақант иш ўрни мавжуд. Қамиде 10 минг талабани улар учун қўлай бўлган мактаб ва боғчаларга ишга жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Марказий банк тажрибаси асосида талабаларнинг ҳақ тўланадиган стажировкаларини ташкил этиш ва яқунда энг яхши стажёрларга иш таққил этиш тизимини иқтисодиёт, молия, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида, солиқ, кадастр идораларида жорий этилиши белгиланди.

Йиғилишда бу ишларни тизимли ташкил этиш учун Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилди маълум қилинди. Шунингдек, вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудларда ҳам шундай комиссиялар ташкил этилади.

Комиссия вилоят ҳокимлари ва ректорлар билан бирга вақант ўринларини тахсил қилиб, ҳар бир вилоят бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи курс талабаларининг қамиде 30-40 фоизини ишга жойлаштириш чораларини кўради. Бундан ташқари, битирувчи курслар талабаларининг келгусидаги иш жойини белгилаб олади ва уларни ҳақ тўланадиган 3-4 ойлик стажировкага юборади.

Талабалар учун жуда катта имтиёз берилди. Жумладан, университет ҳудудида талабалар ишлаётган корхонага солиқ имтиёзлари жорий қилинадиган бўлди. ОТМ ҳудудида ташкил этилган субъектларга ижара пули олмаслик, уларга шароит яратиб бериш ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан ишлаш, яъни битирувчилар уюшмасини ташкил қилиш топшириғи юклатилди. Олий таълим муассасасини битириб кетган кластер раҳбарлари, жамоатчилик арбобларини айни пайтда тахсил олаётган талабалар билан таништириш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларни турар жой билан таъминлаш 2021 йилда 28 фоиздан 40 фоизга етказилди. Бу кўрсаткични янада ошириш мақсадида янги ётоқхоналар қурилиши кўзда тутилмоқда. Умуман олганда, талабанинг нафақат ўқиши, балки турар жой, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иш билан таъминлашга давлат раҳбари даражасида эътибор қаратилгани уларнинг ўқишни битирмасдан туриб, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўишига замин ҳозирламоқда. Қолаверса, талаба ҳеч кимга муҳтож бўлмайди.

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилганман. Оилада 12 фарзанд эдик. Ота-онам фарзандлар таълим-тарбиясига жуда эътиборли эди. Мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Қишлоқда яшаганимиз учун эсимни таниб-қўйиб мол боққанман, ем-хашак галлаб, пахта терганман. Уша кезлари ўқувчиларга уч ойлик ёзги таътил берилса-да, шуни ҳам пахта дала-сида ўтказардим. Ҳар гал янги ўқув йилини интиқлик билан кутардим. Лекин сентябрь ойининг ярмига бориб-бормай мактаб ёпилиб, яна пахта теришга юборишарди. Чунки пахтани йиғиб-териб олиш асосан, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар зиммасида эди. Таълим олиш учун деярли вақт йўқ, йилнинг ярми далада ўтарди. Шунга қарамай, йилнинг кутубхонаси нафақат менинг, балки оиламизнинг энг севимли маскан-и эди. Ҳатто кечалари ой шуъласида китоб мутулаа қилардик. Ушандан бери китоб билан бирга яшайман. Қанчалки машаққатли ва заҳматли эканини билсам-да, ўқитувчилик касбини танладим. Аввалги Бухоро давлат педагогика институтининг география факультетида ўқидим. Олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, Шофиркон туманидаги 3-мактабда географиядан дарс бера бошладим.

Аёлниң ўрни, аввало, оилада экан. 2002 йили турмуш ўртоғимга берилган йўлланма туфайли оилам билан Учқудуқ шаҳрига кўчиб келдик. Бироқ жамиятдан узилиб, уйда ўтириб қолиш ниятим йўқ эди. Шунинг учун Учқудуқ

чи ва ўқувчиларни бир жамоага бирлаштириш осон бўлмас-да, мақсадга эришдик. Натижада 2008 йилдан бунён туман рейтингиде биринчили-ликни қўлдан бермай келяпимиз. Овулларда мактаблар сони қисқаргани боис 2011 йили туман ҳокимининг қарори билан ўқув муассасаси 20-мактаб деб юритила бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида умумий ўрта таълим мактаблари рейтингини аниқланди. Ушбу рейтингда Учқудуқ туманидаги 20-мактаб мамлакатимиздаги ўн мингдан ортик мактаб орасида 5-уринни эгаллади. Аввало, бу натижага юртимизда таълим сифати ва ўқитувчи нуфузини оширишга қаратилган эътибор туфайли эришяпмиз. Шунингдек, кадрларни тўғри танлаш, уларга етарли шароит яратиш, инновацион ғоялар билан ишлайдиган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш, малакали педагоглар тажрибасидан фойдаланиш, ёш кадрларнинг билим ва кўникмасини ошириш, олимпиада ва танловларда ғолиб чиққан, олий таълим муассасаларига ўқишга кирган ўқувчиларни руҳлантириш муваффақияти-мизда кўшимча омили бўляпти.

Айни пайтда мактабимизда 1 700 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлса, уларга 124 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Ўқитувчиларнинг



тумани халқ таълими бўлимига улусбичи бўлиб иш кирдим. Бу ерда иш қўлами кенг бўлиб, ҳар бир мактаб шароитини ўрганиб, турли тадбирлар ўтказардик.

2007 йилнинг 28 майдан бошлаб янгидан реконструкция қилинган 30-мактабга директор этиб тайинландим. Шу пайт халқ таълими бўли-мининг буйруғи асосида бошқа мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари таълим муассасамизга қочирилди. Бошқа мактаблардан келган ўқитув-

35 нафари олий тоифали, 36 нафари биринчи, 23 нафари эса иккинчи тоифали.

Сўнги йилларда тизимдаги туб ўзгаришлар натижасида мактабимиз жамоаси билан қатор ютуқларга эришдик. Жумладан, 2020 йили фан олимпиадасида иштирок этган ўқувчиларимизнинг 39 нафари 1-3-уринларни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олди. Фан олимпиадаси натижаларига асосан, мактабимиз туманда ғолиб бўлди. Ўзбекистон Республикаси

ЭЪТИБОР



Муҳаббат МИРСОЛИЕВА, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори ўринбосари, педагогика фанлари доктори

Кун кеча давлатимиз раҳбари раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш

7 ЙИЛ МУДДАТГА ФОИЗСИЗ КРЕДИТ янги ўқув йилидан бошлаб қизларга таълим контрактларини тўлаш учун берилади

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни ҳуқуқ учун катта имкониятлар белгилаб берилгани барчамизда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотди. — Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароити яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, сўнги беш йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий

кўникмалар олиши ҳамда бандлигига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирок этишини таъминлаш бўйича ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди.

Соҳада ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғона юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-уринни эгаллади. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий, психологик қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида “Аёллар дафтери” тизими, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг янги-ча механизмлари жорий этилди. Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчисиз йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими амалиётга таътиб этилиб, олий таълим муассасаларига қабул қилишда эҳтиёжманд оила-лар қизлари учун грантлар сони икки баробар ортди. Бу муҳим ислохотлар

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини ошириш билан бирга, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини янада кучайтириш, шу орқали оилани мустаҳкамлаш, юқори интеллектуал даражадаги ёш авлодни вояга етказиш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Шу йил 1 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари хотин-қизларимиз учун бир неча йўналишларда янги имкониятлар белгилаб берди. Хусусан, янги ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилиниши, келгуси ўқув йилидан магистратурада ўқётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши, эҳтиёжманд оила вақиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти маҳалли бюджетдан тўланиши, қизларимизни нуфузли хорижий олийгоҳларга бақалаврият ва магистратура дастурлари бўйича

таълим олишга юборилишидаги имтиёзлар муҳим аҳамиятга эгадир. Жамиятимизда олимпиада аёллар улушини сезиларли ошириш мақсадида докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили қамиде 300 тадан мақсадили квота ажратилиши, давлат бошқарувида аёллар фаоллигини ошириш билан боғлиқ кўрсатмалар таълим соҳасида фаолият юритиб келаётган олимпиа-сингилларимиз учун кўрсатилган ишонч ва қўллаб-қувватлаш бўлди. Давлатимиз раҳбарининг: “...Хотин-қизлар ва оила масаласи — бу кўндалик ишлар орасида шунчаки номига шуғулланадиган масала эмас. Бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган вазифа, керак бўлса, масалаларнинг масаласидир”, деган сўзлари юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир аёлнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, уларнинг ўзига, келажагига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, оиласига, жамиятга меҳр-муҳаббатини ортқишига сабаб бўлди.

ТУРИЗМ

Сайёҳлар

ТАЛШИНАЁТГАН ВОҲА

кўҳна обидалар, мафтункор табиат, замонавий шароитлар

Азимбек САМАДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Сурхон воҳаси Зараутсой, Кампиртепа, Жарқўтон, Сополиттепа, Далварзинтепа каби қадимий обидалар, Бойсунтоғ тизмасидаги ажиб тилсимли Ғур-ғуртепа гори, Сангардакнинг мўъжизавий шаршараси, Хўжамайхона, Омонхона шифобахш булоқлари ва бошқа кўпжаб моддий ҳамда номоддий бойликлари билан ҳамиша сайёҳлар эътибори марказида бўлган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳамда Имом Абу Исо Термизий ҳазратлари мангу макон топган ёдгорлик мажмуалари, ўнлаб тарихий-меъморий обидалардан сайёҳлар оқими узилмайди. Ибтидои ҳудудда қадим замонларга бориб тақалувчи асори-атикалар бугунги кунда ҳам гўёки мозий кўзгусидаги шуъладор олимлар мисоли жиллоланиб турибди. Шунинг учун ҳам Сурхон воҳаси ҳақида сўз кетганда муаррихлар, археолог ва фольклоршунос олимлар яқдиллик билан уни дунёнинг энг қадим давлатлари саналган Миср, Ҳиндистон, Хитой, Месопотамия, Юнон ва Рим тарихи билан ҳам беллаша олади, дея эътироф этишади.

Сурхон заминига бундай залворли таъриф берилиши бежиз эмас, албатта. Аждодларимиз яратган бебаҳо қадриятлар, турфа урф-одат ва анъаналар, нодир меъморий ва тарихий аҳамиятга молик обидалар нафақат замондош юртдошларимизни, балки хорижлик сайёҳу мозийшунос олимларни ҳам ўзига тортади. Ҳавас ва хайратини оширади. Зеро, инсоният тараққийнинг энг қадим бешикларидан бири бўлган, ўз даврида илк давлатчилик, шахарсозлик, ҳунармандчилик ва дастлабки сўғорма деҳқончилик ҳамда улкан бунёдкорлик ишларининг бошланишида пойдевор вазифасини ўтаган Сурхон воҳасига қизиқмасликнинг унинг асрлар оша сайқал топган манзараларидан завқланмасликнинг асло илоҳи йўқ. Минг йилликлардан сўйловчи сирли-синаотли манзилларни ўз кўзи билан кўриш, зиёрат қилиш иштиёқида бўлганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бундай инсонларга саёҳат ва зиёрат пайтида юксак савияда хизмат кўрсатиш ишлари билан Туризм ва маданий мерос вазирлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси ходимлари чин дилдан муносиб мезбонлик қилмоқда.

Кўрсаткичлар динамикасида ижобий ўсиш

Ҳар қандай хорижлик сайёҳ ўзга юртга йўл оларкан, унинг анъана-

лари, ўзига хос қадриятлари, обидалари, меҳмон кутиш маданияти, табиат манзаралари, об-ҳавоси билан яқиндан танишиб, ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишни истади. Туристларнинг бундай истагини тўқис бажо келтириш учун Сурхондарё вилояти туризм соҳаси ходимлари “Сифатли хизмат кўрсатиш — бош мезон” тамойилини дастуруламал қилиб олган.

Сайёҳлик хизмати ходимлари анъанавий ҳамда замонавий хизмат турларини самарали ташкил этишга астойдил ҳаракат қилиши натижасида воҳага келаётган сайёҳлар сони тобора ортиб бораётган. 2021 йилда Сурхон воҳасига 106 та хорижий давлатдан 91 минг 894 нафар сайёҳ ташириб кўрилган ва бу 2020 йилга қараганда уч баравар кўп демак.

Вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси нафақат хорижий, балки ички туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида 762 минг 106 нафар юртдошимизга хизмат кўрсатилди. Қўйсан олганда, 2020 йилга нисбатан маҳаллий сайёҳлар сони 3,5 баробар ортди. Ушбу рақамларни бежиз келтирмадик. Бу кўрсаткич мазкур соҳа яхши ривожланган бошқа вилоятларга нисбатан анча кам. Аммо кўрсаткичлар ўсиш динамикаси ижобий тус олгани қувонарли.

Айтиш керакки, бугунги кунда вилоятда 49 та меҳмонхона, 141 та оилавий меҳмон уйи, 9 та хостел, 40 та туристик тоифага кирувчи транспорт воситаси ишлаб турибди. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларга 40 нафар турсоператор ҳамда 5 нафар гид-таржимон хизмат кўрсатмоқда. Шуниси эътиборлики, ҳозирги кунда вилоятдаги меҳмонхоналарнинг 7 таси, шунингдек, оилавий меҳмонхоналарнинг 41 таси, хостелларнинг 5 таси 2021 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишларнинг барчаси, албатта, воҳага келаётган маҳаллий ҳамда хорижлик меҳмонларга қулайлик яратмоқда.

Ихлосмандлар учун яхши тавсия

Вилоятда экотуризмни ривожлантириш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий қулайликларга эга меҳмонхоналар, меҳмон уйлари ва хостелларнинг кўпчилиги вилоятнинг тоғли ҳудудларида жойлашган. Айниқса, Бойсун, Денов, Сароисиё ҳамда Шеробод туманларида экотуризм яхши ривожланмоқда.

Сароисиё туманидаги “Тупалан” сув омбори ҳудудида экотуризм маркази ташкил этилган. Бу ерда етиштирилаётган ноёб фарель бағиши ташириб буюрувчиларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, Бойсун туманидаги “Хўжа Қўчқор ота” зиёратгоҳи ва унинг яқинида жойлашган аномал ҳудудларда махсус зона ташкил этилган. Бундан ташқари, Термиз туманидаги Учқизил кўли атрофида “OXUS” дам олиш маскани фаолияти кенгайтирилиб, қўшимча хизмат турлари жорий этилди. Термиз туманидаги “Термиз агро-фиш экспорт” агрофирмасининг 5 та

Замонавий қиёфада қад ростлаган мазкур марказда сунъий қопламали муз майдони, супермаркет, банк хизмати, 40 дан зиёд савдо дўконлари, болалар ўйингоҳи, ресторан, фаст-фуд овқатланиш шохобчаси, Wi-Fi, караоке клуби, намозхона ишга туширилди. Натижада бу ерда 300 га яқин янги иш ўрини яратилди.

Шунингдек, Термиз шаҳрида 6 та, Денов туманида 2 та, Қумқўрғон туманида 1 та, Шўрчи туманида 1 та, жами — 10 та “Coffe shop”лар ишга туширилди. Бундан ташқари, сайёҳлик объектларининг 189 тасида санитария-гигиена шохобчалари янгидан қурилди, мавжудлари эса мукамал таъмирланди. 150 та Wi-Fi нуқтаси



“

ЖОРИЙ ЙИЛДА 70 ТА МЕҲМОНХОНА, 185 ТА ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙИ, 4 ТА ХОСТЕЛ, 37 ТА САНАТОРИЙ ҚУРИШ, ШУНИНГДЕК, 3 ТА ТУРИСТИК АГЕНТЛИК, 5 ТА ТУРОПЕРАТОР, 15 ТА ТУРИЗМ АХБОРОТ МАРКАЗИ, 100 ТА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ШОХОБЧАСИ, 100 ТА WI-FI НУҚТАСИ ФАОЛИЯТИ ЯНГИДАН ЙЎЛГА ҚўЙИЛАДИ.

маҳаллий сайёҳлар таширишлари сони 1 миллион нафарга етказиш борасида жиддий саъй-ҳаракатлар борилмоқда.

Шунингдек, Хонобод — Мўйноқ — Термиз туризм магистралини барпо этиш лойиҳаси доирасида М-39 автомагистрални йўлининг Сурхондарё вилоятидаги Бойсун, Шеробод, Термиз ва М-41 автомагистралнинг Қумқўрғон тумани ҳудудидаги қисмида “Сервис поинт” ва “Сервис араа” транспорт коридори лойиҳалари амалга оширилди. Бундан ташқари, туризм объектларини ўзида мўжассам этган электрон харита яратилди.

Жорий йилда 70 та меҳмонхона, 185 та оилавий меҳмон уйи, 4 та хостел, 37 та санаторий қуриш, шунингдек, 3 та туристик агентлик, 5 та турсоператор, 15 та туризм ахборот маркази, 100 та санитария-гигиена шохобчаси, 100 та Wi-Fi нуқтаси фаолияти янгидан йўлга қўйилди.

Вилоятда археологик, эко, агро, зиёрат, тиббиёт, гастрономик, экстремал, этнотуризм йўналишларининг кенг имкониятлари мавжуд. Шунинг учун ҳам туристларни бу йўналишларга кўпроқ жалб этишда кўл келадиган шароитлар яратиш мақсадида 2022 йилда вилоятнинг Сароисиё туманида “Сангардак” туризм маҳалласи, Шерободда “Чорбоғ”, Олтинсойда “Хўжаипок”, Бойсунда “Омонхона” ҳамда “Сайроби” туризм қишлоқлари ташкил этилиши режалаштирилган. Бобур номидаги истироҳат боғида эса “Ешлар туризм боғи” барпо этилади. Натижада 7 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Бу каби мақсадларга эришиш учун вилоятнинг туризм салоҳияти юқори бўлган Бойсун, Сароисиё, Шеробод ва Олтинсой туманларида маҳаллий сайёҳларга қўшимча шароитлар яратиш учун табиат ва тоғ ён бағирларида кемпинглар барпо этишга жойлар ажратилмоқда.

Бу йил вилоят туризм бошқармаси томонидан япон олими Като Кюдзюнинг 100 йиллик юбилейини кенг нишонлаш ва халқаро конференция ўтказиш, “Анор сайли” ҳамда “Узум сайли” фестивалларида 20 минг нафардан зиёд сайёҳни тақлиф қилиш, бу фестивалларда маҳаллий бренд маҳсулот ва сувенирлар савдосини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, Сурхондарё вилоятининг шонли ўтмиши, бугунги замонавий қиёфаси, қолаверса, яратилаётган қулай инфратузилмалар воҳани жозибадор туристик салоҳиятини янада оширишга имкон бермоқда.



“

ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ, ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИ ВОҲА ЎТМИШИНИ БАМСОЛИ КЎЗГҮДА АКС ЭТТИРИБ ТУРИБДИ. ШОНЛИ ТАРИХНИНГ ТИЛМОЧЛАРИ БЎЛГАН ЭКСПОНАТЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРАР ЭКАНСИЗ, УЗОҚ ЎТМИШ КЎЗ ЎНГИЗДА ГАВДАЛАНАДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА ЭСА “КУШОНЛАР ДАВЛАТИ ТАРИХИ” МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

кўлида сайёҳлар балиқ овлашлари мумкин. Қўллар атрофида эса ўтовлар қурилиб, миллий услубда жиҳозланди. Худди шундай қулайликлар Денов туманидаги Сина қишлоғида жойлашган “Сумбула мазор” зиёратгоҳи атрофида ҳам яратилган. Бу ерда ҳам экотуризм ихлосмандлари учун алоҳида туристик маршрут ташкил этилди.

Муваффақият сари ташланган қадам

Табиийки, хорижлик ва маҳаллий сайёҳларнинг биринчи қадами марказий шахарлардан бошланади. Ана шу муҳим жиҳатни инобатга олган ҳолда, 2021 йилнинг июнь ойида воҳа маркази — Термиз шаҳрида майдони 4 минг 500 квадрат метр бўлган, сунъий қопламали муз майдони эга “IKEBERG” кўнгилочар мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

ҳамда 65 та туристик йўл кўрсаткичлари ўрнатилди.

Сурхондарё вилоят туризмни ривожлантириш бошқармаси томонидан жойлардаги инфратузилмани яхшилашга, айниқса, магистраль йўл ва туристлар борадиган объектлар атрофини ободонлаштириш, қўшимча қулайликлар яратиш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Бу борадаги ишлар қўламини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланган маданий мерос ёдгорликларни, туризм ва туризмга ёндош инфратузилмаларни ривожлантириш, тиклаш ва қайта таъмирлаш Дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганида кўриш мумкин. Жумладан, мазкур дастур доирасида Деновдаги “Саид оталиқ” мадрасасини реставрация қилиш,

Имконият ва истиқбол

Сурхондарёда фаолият юритаётган туризм соҳаси ходимлари юқорида айтиб ўтилган дастур доирасида кейинги йиллар учун ҳар жиҳатдан пухта ўйланган истиқболли лойиҳалар асосида фаолият олиб бормоқда. Хусусан, жорий йил давомида вилоятга ташириб буюрадиган хорижлик сайёҳлар сони 100 минг нафарга, туризм хизматлари экспорти ҳажмини эса 40 миллион АҚШ долларига,

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 641.

88510 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусаҳҳиб: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй